
Участка сайлов комиссиялари масъуллигига номзодлар семинар-тренинглари 2-босқичида ҳам ўз малакаларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига муносиб тайёргарлик кўриш ва уни намунали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон туманида семинар-тренинг машғулотларининг 2-босқичи бошланди.

Унда участка сайлов комиссияси раиси, ўринбосар ва котибликка номзодлар иштирок этиб, сайлов қонунчилиги ва жараёнлари юзасидан ўз билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамламоқдалар.



Семинар-тренингда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий асослари”, “Маҳаллий кузатувчилар ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловининг ўтказувчи сайлов комиссиялари”, “Сайлов жараёнларида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари”, “Сайлов қонунчилиги бузилиши юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда жавобгарлик” каби мавзуларда маърузалар тингланмоқда.



Гуруҳларга бўлинган ҳолда, замонавий ахборот технологиялари, интерфаол усуллар ва савол-жавоблар асосида ўтказилаётган семинар-тренинг 31 июль кунига қадар давом этиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-07-12 20:11:59